УМАВИЙ ВА АББОСИЙЛАР ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА ТУРОН – АНАДЎЛИ АЛОҚАЛАРИ: АНАДЎЛИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТГАН ТУРОНЛИКЛАР

TURAN–ANATOLIA RELATIONS DURING THE UMAYYAD AND ABBASID CALIPHATES: THE TURANIANS OPERATED IN ANATOLIA

СВЯЗИ ТУРАНА И АНАТОЛИИ В ПЕРИОД ОМЕЙЯДСКОГО И АББАСИДСКОГО ХАЛИФАТОВ: ТУРАНЦЫ, ДЕЙСТВОВАВШИЕ В АНАТОЛИИ

JAVOHIR ZAFARZODA,
Institute of History of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan
Junior Research Fellow
Yahyo Gulomov street 70, 100047, Tashkent, Uzbekistan
E-mail: azimkulob@gmail.com

DOI: 10.47980/IIAU/2025/2/4

Аннотация. *Мазкур мақолада Умавийлар ва Аббосийлар халифалиги даврида Турон (Марказий Осиё) билан Анадўлу (Кичик Осиё) ўртасида юзага келган тарихий-сиёсий ва маданий алоқалар таҳлил қилинган. Хусусан, ислом тарихининг дастлабки даврларида VII – IX асрларда вужудга келган сиёсий жараёнлар, халифаликнинг кенгайиб бориши ва унинг турли вилоятлар, хусусан, шарқий (Турон) ва ғарбий (Анадўлу) ҳудудлар билан ўрнатган муносабатлари тадқиқ этилган. Бу муносабатлар, аввалambор, ҳарбий юришлар, илм-фан тараққиёти, диний даъват ишлари ва бошқарув тизимида ўз ифодасини топган.*

Муаллиф, айниқса, Анадўлу ҳудудида фаолият кўрсатган туронлик шахсларнинг тарихи ва уларнинг ролини аниқлашга алоҳида эътибор қаратади. Ушбу шахслар орасида ҳарбий сардорлар, уламолар, даъватчилар ва бошқа маданий фаол шахслар бор бўлиб, уларнинг ушбу минтақадаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга қўшган ҳиссаси аниқ мисоллар билан кўрсатилади. Улар фақатгина ҳарбий жабҳада эмас, балки маҳаллий бошқарув тизимининг шаклланишида, ислом илм-фанининг тарқалишида ва мусулмон жамоаларининг ташкил топишида ҳам муҳим ўрин тутган.

Тадқиқот жараёнида тавсифлаш, умумлаштириш, таққослаш, тарихий даврлаштириш ва микротарихий таҳлил усулларидан фойдаланилган. Мақола тарихий манбалар, араб ва форс тилларидаги классик асарлар, шунингдек, замонавий тадқиқотлар асосида ёзилган бўлиб, ҳозиргача етарли даражада ўрганилмаган ушбу мавзуда янги қарашлар ва илмий хулосалар илгари сурилган. Шу тариқа, мақола нафақат илк ислом даври тарихи билан қизиқувчилар учун, балки умумий туркий дунё ва Ислом цивилизацияси ўртасидаги алоқаларни ўрганувчи тадқиқотчилар учун ҳам манба сифатида хизмат қилиши мумкин. Муаллиф Турон ва Анадўлу ўртасидаги муштарак тарихий, маданий ва диний алоқаларни очиб бериш орқали, бу ҳудудлар ўртасидаги тарихий бирликни янада равшанлаштиради ҳамда минтақавий ҳамкорлик ва бирдамлик ғояларини тарихий асослар билан исботлашга ҳаракат қилган.

Калит сўзлар: *Турон, Анадўли, туркийлар, Ал-авасим, Сугур, Мамун, Мутасим, Афшин, чегара ҳудуд, камончилар.*

Annotation: *This article provides a comprehensive analysis of the historical, political, and cultural relations between Turan (Central Asia) and Anatolia (Asia Minor) during the periods of the Umayyad and Abbasid Caliphates. In particular, it explores the political processes that emerged in the early centuries of Islamic history — from the 7th to the 9th centuries — focusing on the expansion of the caliphate and the interactions established between its various provinces, especially between the eastern (Turan) and western (Anatolia) regions. These relationships are primarily manifested in military operations, the advancement of science, religious outreach efforts, and the management system.*

Special attention is paid to the activities and roles of individuals from Turan who were active in Anatolia. Among these individuals are military leaders, scholars, advocates, and other culturally active persons, whose contributions to the socio-political processes in this region are illustrated with specific examples. Their influence was not limited to military affairs but extended to the formation of local administrative structures, the spread of Islamic knowledge, and the development of Muslim communities.

The research employs methods such as description, generalization, comparison, periodization, and microhistorical analysis. Based on historical sources, classical Arabic and Persian literature, as well as modern research, the article offers new perspectives and scholarly conclusions on a subject that has been insufficiently studied. In this manner, the article can serve as a resource not only for those interested in the history of the early Islamic period but also for researchers studying the connections between the broader Turkic world and Islamic civilization. By highlighting the shared historical, cultural, and religious connections between Turan and Anatolia, the author aims to clarify the historical unity of these regions and to substantiate the ideas of regional cooperation and solidarity with historical evidence.

Keywords: *Turan, Anatolia, Turks, al-Awāṣim, Thughūr, al-Ma'mūn, al-Mu'taṣim, Afshin, frontier regions, archers.*

Аннотация: *В данной статье всесторонне анализируются историко-политические и культурные связи между Тураном (Центральная Азия) и Анатолией (Малая Азия) в период халифатов Омейядов и Аббасидов. Особое внимание уделяется политическим процессам, происходившим в ранний период исламской истории — в VII – IX веках, — расширению халифата и отношениям между его восточными (Туран) и западными (Анатолия)*

провинциями. Эти связи проявлялись, прежде всего, в военных походах, развитии науки, религиозной деятельности и административной системе.

Автор особенно акцентирует внимание на туранских личностях, действовавших на территории Анатолии. Среди них — военачальники, богословы, проповедники и культурные деятели, внесшие значительный вклад в социально-политические процессы региона. Их роль проявлялась не только в военной сфере, но и в формировании местной администрации, распространении исламских знаний и становлении мусульманских общин.

В исследовании использовались такие методы, как описание, обобщение, сравнение, историческая периодизация и микроисторический анализ. Статья основана на исторических источниках, классических арабских и персидских текстах, а также современных исследованиях, и предлагает новые научные взгляды и выводы по слабоизученной теме. Таким образом, она может служить источником как для специалистов по ранней истории ислама, так и для исследователей, изучающих связи между тюркским миром и исламской цивилизацией. Раскрывая общие исторические, культурные и религиозные связи между Тураном и Анатолией, автор стремится подчеркнуть историческое единство этих регионов и обосновать идеи регионального сотрудничества и солидарности на основе исторических фактов.

Ключевые слова: *Туран, Анатолия, тюрки, ал-Авасим, Сугур, ал-Мамун, ал-Му'тасим, Афшин, приграничные районы, лучники.*

КИРИШ

VII юзйиллик ўрталаридан бошлаб Турон ҳудудига Араб халифалиги қўшинлари томонидан юришлар бошланди. Илк даврларида бу юришлар минтақа аҳолисини ўрганиш, уларнинг ҳарбий салоҳиятидан хабардор бўлиш ва шу билан бирга бу ҳудуд аҳолисига Ислом динини етказиш мақсадида амалга оширилди. 651 йилда араблар ўша пайтнинг бой ва маданий жиҳатдан ривожланган шаҳарларидан бўлган Марвга яқинлашиб, уни деярли жангсиз эгаллаб олдилар. Басра волийси Абдуллоҳ ибн Омир (625-677/678) бошчилигидаги қўшин 652 йилда Ҳирот ва Бодғисни жанг қилмасдан эгаллайди (at-Tabariy, 2005, p. 695).

VII асрнинг ўрталарида Турон ўлкаси Ғарбий Турк хоқонлиги назорати остида бўлиб, хоқонлик томонидан тайинланган турли хил маҳаллий сулолалар томонидан бошқарилиб келинган.

Турк хоқонлигининг бошқарувида 2 хил тизим мавжуд эди: 1) бўйсундирилган баъзи ўлка ва вилоятларда мавжуд маҳаллий сулолалар сақланиб қолган ва улар хоқонликка ўлпон тўлаб турган; 2) тобе ўлка ва вилоятларнинг айримлари бошқарувига тайинланган ҳукмдор хонадонга мансуб вакиллар ҳокимияти. Ўша кезларда Сирдарё – Амударё оралиғи ҳамда туташ ҳудудлар Ғарбий Турк хоқонлиги қарамоғида бўлиб, Шошда Тегинлар ва Тудунлар, Фарғонада ихшидлар, Уструшонада афшинлар, Суғдда ихшидлар, Бухорода бухорхудотлар, Хоразмда африғийлар, Тохаристонда ябғулар ҳокимияти мавжуд эди. Уларнинг баъзиларининг келиб чиқиши Турк хоқонлигининг бошқарувчи сулоласи – Ашина хонадонига мансуб бўлишган. Жумладан, Шош Тегинлари (605-750), Тохаристон ябғулари (620-750), Фарғона Ашина сулоласи (640-810) (Бобоёров., 2021, p. 35).

VII аср ўрталарида араб халифалиги қўшинлари нафақат Турон ҳудудига ҳарбий юришлар бошлади балки бир вақтнинг ўзида Ҳиндустон, Шимолий Африка, Андалус, Озарбайжон, Анадўли сарҳадларига қадар кириб боришди. Халифалик қўшинларининг бу ҳаракатлари марказий ҳокимиятдаги низолар сабабли қариб VIII асрнинг бошларига қадар деярли тўхтаб қолди. Абдуллоҳ ибн Зубайр бошчилигида умавийларга қарши қаратилган ҳаракатлар натижасиз тугади ва ҳокимият умавий сулоласининг суфёнийлар уруғидан Марвон ибн Ҳакам етакчилигидаги марвонийлар уруғи назоратига ўтди (Балозурий, 1991, p. 414).

Халифа Абдулмалик ибн Марвон(65-86/ 685-705)даврида халифалик олдинги қудратини қайта тиклай бошлайди халифа томонидан 85/704-йилда Хуросон волийси сифатида тайинланган Қутайба ибн Муслим (Gibb., 1923, p. 22) араблар томонидан "Мовароуннаҳр" деб ном берилган ҳудудни деярли тўлиқ Араб халифалигига бўйсундирди.

ТАДҚИҚОТ МАҚСАДИ

VIII-IX асрларда Турон ва Анадўли алоқалари қандай ривожлангани ва бунда туронликларнинг ўрнини кўрсатиб беришдан иборат.

МАТЕРИАЛ ВА МЕТОДЛАР

Тадқиқот жараёнида тавсифлаш, умумлаштириш, таққослаш, тизимлилик, тарихий даврлаштириш, микротарихий таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

МУҲОКАМА

86 ҳижрий (705 милодий) йилда Хуросон волийлигига тайин этилган Қутайба ибн Муслим, волий Ҳажжожнинг маъмурий соҳадаги истеъдодини ўзининг ҳарбий-стратегик салоҳияти билан уйғунлаштириб, кенг кўламли ҳарбий юришларга

киришди. Қутайба Хуросонга келганида, бу вилоятнинг икки хавфли чегаравий ҳудуди мавжуд эди. Улардан биринчиси — Сирдарёнинг ўрта оқимидан Бадахшонгача чўзилган, нисбатан тоғли ҳудуддан иборат бўлган Тоҳаристон эди. Бу ерда айрим ҳарбий юришлар амалга оширилган бўлса-да, Балх шаҳри, марказий аҳамиятга эга бўлган ҳолда, ҳануз қаршилик кўрсатишда давом этаётган эди (Йилдиз, 2019, п. 48).

Хуросоннинг иккинчи ва ундан ҳам хавфлироқ чегаравий ҳудуди эса — Мавороуннаҳр бўлган. Қутайба ибн Муслим ўзининг асосий нишони бўлган Мавороуннаҳрга қарши ҳаракатга ўтишдан аввал, Тоҳаристонни хавфсиз ҳолатга келтириш мақсадида Балхга юриш бошлади. Тоҳаристон ҳукмдори Низак Тархон, ҳеч қандай қаршилик кўрсатмасдан, сулҳ тузиш истагини Қутайбага билдирди. Қутайба бу таклифни мамнуният билан қабул қилиб, Марвга қайтди (Akdes Nimet Kurat, 1948, p. 389).

Қутайба ибн Муслимнинг Хуросон ва Мавороуннаҳрда олиб борган сиёсати, унинг бу ҳудудларнинг барчасини ўз назорати остига олишни мақсад қилганини кўрсатади. 86 ҳижрий (705 милодий) йилдан бошлаб уюштирган ҳарбий юришлари натижасида, Мавороуннаҳрнинг йирик шаҳарлари ва стратегик жиҳатдан муҳим ҳудудлари босиб олинган эди.

Халифа Валид ибн Абдулмалик (86-96/ 705-715) ҳукмронлик даври умавийларнинг энг қудратли даври бўлди. Унинг даврида араб халифалиги қўшинлари ғарбда Андалус, шарқда эса Турон – Туркистон, Синд – Ҳиндистон ва шимолда Анадўли ҳудудларида уч жабҳада ҳаракат қилишди.

Умавийлар (661-750) даврида халифалик қўшинлари Турон ҳудудига ҳам шу билан бирга Анадўли ҳудудларига ҳам юришлар ташкил этишди. Аввалига халифа Абу Бакр(632-634) ва Умар (634-644) даврларида Сурия ва Ал-жазира ҳудудларини егаллаган халифалик, кейинчалик Армания ва Азарбайжонни ҳам эгаллаб тўғридан тўғри ўша даврда Византия назоратида бўлган Анадўли ҳудудларига ҳам дахл қила бошлади. Анадўли минтақасига қилинган юришлар ва егалланган ҳудудларнинг бошқарувида айнан Турондан олиб кетилган ёки халифалик қўшини таркибига киритилган аскар ва қўмондонларнинг фаолияти ҳам кўзга ташланади.

Умавийлар даврида Араб халифалиги кўплаб элларни бирлаштирган йирик давлатга айланган бўлса-да, сулола томонидан олиб борилган сиёсат туфайли эгаллаб олинган ҳудудлардаги элларнинг барчасини давлат хизматига жалб қилмади (Yildiz, 2019, p. 35). Бироқ, шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, маволий (Ислом динини қабул қилган араб бўлмаган аҳоли) умавийларнинг ҳокимиятдан кетиши ва аббосийларни ҳокимият тепасига олиб келган ҳаракатга муҳим ҳисса қўшди (Gibb., 1923, p. 47).

Аббосийлар халифалиги эса кейинчалик давлат хизматларида ўз имкониятларига кўра форс ва турклардан кенг фойдаланди. Айни пайтда, эронликлар кўплаб маъмурий ва ҳарбий лавозимларда, шу жумладан, бу вақтдаги энг юқори лавозим бўлган вазирликда ишлаган. Туронликлар эса қўшинда хизмат қилишган, дастлаб оз сонли турклар араб қўшинига жалб қилинган бўлса, кейинчалик аста-секин туркларнинг сони ва даражаси ҳам ортиб борди.

Дарҳақиқат, биринчи даврда, яни 642 йилда Аҳнаф б. Қайс билан бошланиб, 707 йилда Қутайба ибн Муслим Бухоро ва Самарқандни забт этгунга қадар бўлган даврда ҳам асирга олинган, ҳам ўлжа сифатида олинган кўплаб турклар ислом давлати хизматига, айниқса, ҳарбий қўшин сафига жалб қилинган. Мисол тариқасида Муовия[1] томонидан Хуросон волийси этиб тайинланган Убайдуллоҳ ибн Зиёднинг 674-йилда Бухоро маликаси Қабаж хотун билан тузган келишуви натижасида бухоролик икки минг йигитни ўлжа сифатида олиб кетганини (Narshaxiy, 2022, p. 37) кўрсатишимиз мумкин. Камондан отишда моҳир экани айтилган, бу ёшлар Басрадаги араб аҳолисидан алоҳида улар учун махсус ажратилган ўзларининг Бухороликлар маҳалласида жойлашадилар (Балозурий, 1991, p. 410; at-Tabariy, 2005, p. II. 169). Умавийлар даври учун бундай мисолларни кўпини айтиб ўтиш мумкин, лекин аббосийлар даврига келиб бу ҳолатда маълум ўзгаришлар содир бўлди. Аввало, энди турклар мажбурий эмас балки ўз хоҳиш истаклари инобатга олинган ҳолда халифалик қўшинида хизмат қилишлари мумкин бўлди. Бундай ўзгаришлар халифалик қўшини таркибида туркларнинг сонини ҳам аскарлар орасидаги даражаларини ҳам ортишига сабаб бўлди. Буни аввало, умавийларга қарши қаратилган аббосий исёнларида ҳамда Хитой қўшинларига қарши олиб борилган Талас жанги[2]даги турк аскарлари ва қўмондонларининг кўрсатган жасорати ҳам туркларнинг халифалик қўшинига жалб қилинишини тезлаштирди.

Манбаларда келтирилишича аббосий халифаси Жаъфар ал-Мансур (754-775) туркларга қўшиндаги йуқори лавозимларни беришни бошлаган бўлиб, унинг қўл остидаги қўшинда кўплаб турк аскарлари хизмат қилишган. Халифаликда турклар ҳақида

[1] Муовия ибн Абу Суфён – умавийлар сулоаси асосчиси ва шу сулоладан бўлган илк халифа (661 – 680).

[2] Талас (Тароз) дарёси бўйида араб халифалиги қўшинлари ва Чин аскарлари ўртасида 751 йилда бўлиб ўтган жанг.

илк бор асар ёзган тарихчи Жоҳизнинг[3] ёзишича туркларни илк марта давлат хизматига олган халифа Мансур бўлган (Jahiz, 1964 : 54) .

Аббосийлар халифалик ишини қўлга киритгач илк қилган ишлари халифалик марказини Дамашқдан Куфага кўчириш бўлди. Халифа бўлгандан кейин илк хутбани Куфада ўқиган Абул-Аббос бу шаҳарни халифалик марказига айлантирди(Yildiz, 2019: 95). Лекин Куфа аҳолиси асосан Али[4] ва унинг авлодларига мойиллиги сабабли халифалик Аббос[5] ўғилларига ўтгандан кейин улар билан ўртада низолар чиқа бошлади. Абул Аббос даврида марказ Куфадан кейин Анбарга[6] кўчирилган бўлса халифа Мансур даврида Ҳошимийяга кўчирилди. Лекин бу шаҳарлар ҳам халифалик маркази бўлиши учун амниятли емасди. Шу сабабли ҳам халифа Мансур Бағдод шаҳрини қуриш ва у ерни марказга айлантириш ишларини бошлаб юборади. Боғдод шаҳрининг қурилишига бошчилик қилган халифанинг яқин одамларидан бўлган Ҳаммод ҳам асл туркий бўлиб, Табарий китобида уни Ҳаммад ат-Туркий дея келтирган (at-Tabariy, 2005: II. 492).

Бағдод шаҳри қуриб битказилгач, унинг марказида халифанинг саройи, унинг атрофида эса халифалик амалдорларининг иқоматгоҳлари, масжидлар ва халифанинг махсус туронлик аскарлари учун ҳарбий қисмлар жойлашганди. Яъқубий Бағдод қурилиши ҳақида ёзаркан, шаҳардан халифанинг асосий қўмондонларга иқтолар берганини. Уларнинг орасида Муборак ат-Туркий ҳам борлигини зикр етади(al-Ya'qubiy, 2002 : 253).

Ҳаммод ат-Туркий 152/769 йилда халифа Мансур томонидан Савод(Ирок) ҳудудининг сиёсий ва иқтисодий бошқарувига тайинланади.

Халифа Мансур даврида араб халифалиги қўшинида юқори лавозимларга эришган турклар сифатида манбаларда Зуҳайр ат-Туркий, Муборак ат-Туркий, Ҳаммод ат-Туркийларнинг номлари эсланади. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, манбаларда кўп қайд қилинган бу уч турк қўмондондан ташқари бу даврда халифалик қўшинида фаолият олиб борган бошқа турк қўмондонлари ҳам бўлган, лекин уларнинг номлари манбаларда баён этилмаган. Бу фикримизни Ибн ал-Асирдаги бир маълумот билан далиллай оламиз. Бунга кўра халифа Мансур ўғли Маҳдийга[7] шундай васият қилган: "Маволийга эътиборли бўл. Уларга яхшилик қил. Уларни ўзингга яқинлаштиришга ҳаракат қил. Улардан ўзингга кўп дўст орттир. Қачонки, қийин ҳолатга тушиб қолсанг, улар сенга ёрдамга келади. Айниқса, Хуросон аҳлини сенга тавсия қиламанки, улар бу давлат учун жонларини ва молларини фидо қилганларнинг энг афзалидир" (Ibn Al-asir, 1965: VI.19). Бундан кўриниб турибдики, халифа Мансур турк қўмондонларга ва аскарларга қаттиқ ишонган уларни ўзига яқин тутган ва буни ўғли Маҳдийга ҳам васият қилган.

Халифа Мансур даврида юқори мартабаларга еришган Муборак ат-туркий халифа Маҳдий (775-785) ва Ҳодий (785- 786) замонида ҳам сиёсий фаолият олиб борган. Халифа Маҳдий томонидан Қазвин ҳудудига омил бўлиб тайинланган Муборак, бу ерда Мадинат ал-муборак (Муборак шаҳри) номида бир шаҳр қуриб у ерга ўз одамларини жойлаштирган (Балозурий, 1991 : 410).

Умавийлар даврида давомли ўлароқ Византия ҳудудларига ҳозирги Анадўли минтақасига юришлар уюштирган халифалик қўшинлари Тарсус, Адана, Мисис, Мараш ва Малатяни эгаллаб бу ҳудудларни халифалик назорати остига олишади (ат-Табарий, 2005, p. 1317). Аввалида бу ҳудудларнинг барчаси Суриядаги Кеннасрин (ўрдугоҳ) га боғлиқ эди. Лекин аббосийлар даврида Византия билан муносабатлар янада жиддийлашгач, халифа Хорун Рашид бу ҳудудларни ал-Авасим номидаги мустақил бир идорий ҳуддудга айлантирди (Балозурий, 1991, p. 323).

139/756-757 йилда Сугур[8] ва ал-Жазира[9] волийси Абдулваҳҳоб бин Иброҳим Малатя(ҳозирда Туркиядаги шаҳар)га келди ва шаҳар истеҳкомини янада мустаҳкамлаб бу ерга Турон(Хуросон)[10] аскарларини жойлаштирди (Балозурий, 1991, p. 187).

Адана шаҳри ҳам 758-760 йилларда қайтадан мустаҳкамлаштирилиб, Солиҳ бин Али бошчилигида бу ерга ҳам Хуросон аскарлари жойлаштирилади (Балозурий, 1991, p. 168).

Шу билан бирга Хорун Рашид даврида Византия билан чегара ҳудудда 786 йилда Ал-Авасим[11] номли

[3] 776-868 йилларда яшаб ижод қилган араб адабиётчиси, тарихчи.

[4] Али ибн Абу Толиб – рошид халифаларнинг тўртинчиси (656-661).

[5] Аббос ибн Абдулмутоллиб (566- 653) - Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг амакиси.

[6] Ҳозирда Ироқ жумҳуриятининг энг катта вилоятларидан бири.

[7] Аббосий сулоласининг учунчи халифаси (775-785).

[8] Анадўлининг жанубидаги тарихий ҳудуд номи бўлиб Араб-Византия чегара ҳудуди бўлган.

[9] Дажла дарёсининг шарқий қисмидаги Маяфариқон(Силван), Эрзан, Сирт ва Зап ҳавзаси ҳамда Фуротнинг ғарбидаги Адияман ҳудудини ичига олган минтақанинг тарихий номи.

[10] Манбаларда хуросонлик дея зикр этиладиган аҳоли аслида VII-IX асрларда маркази Марв шаҳри бўлган Хуросон волийлиги аҳолисига нисбатан ишлатилиниб, бу волийлик ўз ичига Хуроосон, Тоҳаристон ва Мовароуннаҳр ҳудудларини қамраб олади. Аслида бу минтақа учун умумий Турон атамасини қўллаш тўғрироқдир. Хуросонли аҳоли дейлганда турк ва форслар назарда тутилган.

[11] Авасим- Мусулмон давлатлари ва Византия императорлиги орасидаги мустаҳкам чегара ҳудудларига берилган ном. Хорун Рашид томонидан асос солинган Ал-авасим ўрдугоҳи ҳозирги Туркиянинг Адана, Османийя ва Қаҳрамонмараш шаҳарлари ўрнида бўлган.

ўрдугоҳ қурилгани ва бу ҳудудларнинг назорати Абу Сулайм Фараж ал-Ходим ат-Туркийга берилганидан ҳам кўришимиз мумкинки, бу даврда туркийлар қўшинда нафақат қўриқлаш хизматини балки чегара ҳудудларда Ислом динини тарқатиш йўлида урушларга кирганлиги ҳам эътиборга сазовордир. Ал-Авасим чегара ҳудудида йигирма беш йиллик қўмондонлик қилган Абу Салайм Туркийнинг қўшинини кўп миқдорда турк аскарлар ташкил этган, чунки аббосийлар давридаги халифалик қўшинида асосан турклар хизмат қилган.

787 йилда Хорун Рашиднинг амри билан Византияга қарши ғазотга чиққан Ҳарсама ибн Аъянга айни пайтда Тарсус (ҳозирда Туркиядаги шаҳар) нинг қалъасини мустаҳкамлаш иши билан ҳам шуғулланган. Ҳарсама бу вазифани Абу Сулайм ат-Туркийга[12] топширади. Шаҳар қалъаси мустаҳкамлангач, бу ерга турли ўлкалардан аскарий бирликлар жойлаштирилади. Илк жойлашган уч минг кишилик аскарлар хуросонликлар эди (Балозурий, 1991, p. 169) (Yildiz, 2019, p. 105).

180/796-797 йилларда Хорун Рашид Айн Зарба (бугунги Анаварза) нинг Византияга қарши мустаҳкам қалъа ҳолига келтирилишини амр етади. Шу сабабли ҳам Айн Зарба деярли қайтадан қурилди ва бу ерга ҳам хуросонликлар жойлашитирилди (Балозурий, 1991, p. 171).

Анадўли минтақасидаги бу шаҳарларнинг эгалланиши ва уларнинг қайтадан бунёд этилиб мустаҳкам чегара ҳудуд қалъаларига айлантирилишида турк қўмондонлар ва Турондан кўчириб келтирилган аҳолининг ҳам катта хизматларини таъкидлаб ўтишимиз керак.

Тарсус ва унга ёндош ҳудудларнинг таъмирланиши ва мустаҳкам чегара ҳудудига айлантирилиш вазифаси манбаларда асл туркий бўлгани очиқча келтирилган Абу Сулаймга берилган. Абу Сулайм 25 йил давомида Сугурда қоларок қайта қуриш ва мустаҳкамлаш ишларини олиб бориши билан бирга бу ҳудудларнинг волийлигини ҳам ўз қўлига олади ва чорак аср бу чегара вилоятини ягона бошқарувчиси бўлади.

НАТИЖА

Аниқланганидек, Анадўли ҳудудларидаги шаҳарларнинг таъмири ва мустаҳкам қалъага айлантирилиши ҳамда бу ҳудудларга хуросонлик аҳолининг жойлаштирилиши манбаларда баён этилган. Бундан кўриниб турибдики, аббосийлар ҳокимиятга келгач, асл араб аҳоли давлатнинг идорий ва аскарий соҳаларидаги нуфузи ва ерларини йўқотишган, уларнинг ўрнига бу жойларни халифаликнинг шарқидан келган аҳоли эгаллай бошлаган. Шу сабабдан ҳам айтишимиз керакки, хуросонлик дея зикр этилган аҳоли фақатгина форслардан ташкил топмаган бўлиб, катта қисмини туркий аҳоли ҳам ташкил этган. Халифалар хоҳиши билан Анадўли ҳудудига жойлаштирилган аҳолидан ташқари Балозурийнинг қайд этишича, бу ҳудудларга кўнгилли бўлиб келган туркийлар сони ҳам анчагина бўлган (Yildiz, 2019, p. 109).

Халифа Хорун Рашид (786-809) нинг “Қўриқчи бўлинмаси”нинг тўлиқ турклардан тузилгани манбаларда келтирилади (Раббиҳ, 1953, p. 223).

Халифа Маъмун (813-833) даврида халифалик марказида нуфузи ортган форсларга қарши турклардан фойдаланилганини кўрамиз. Маъмун укаси Муътасим раҳбарлигида турклардан халифалик қўшинларига аскар келтирилишини юга қўйган. Яъқубий Жаъфар ал-Ҳушшок номли кишидан шундай ривоятни асарида келтиради: “Муътасим[13] Мамуннинг халифалиги замонида Самарқандга Нуҳ ибн Асаднинг[14] ёнига туркларни сотиб олишим учун юборди. Ҳар йили унда бир миқдор турк юбордим. Шундай қилиб, Мамуннинг халифалик даврида марказда уч мингга яқин Турк тўпланди” (ал-Яъқубий, 2002 : 205).

Халифалик улардан Византия билан чегара ҳудудларда Ислом динини тарқатиш, жиҳод қилиш ишларида оқилона фойдаланди. Кейинчалик Мисрда давлат қурган Аҳмаднинг[15] отаси Тулун шу даврда келтирилган турк аскарларидан эди. Шу билан бирга бу даврга келиб халифалик қўшининг асосий лашкарбошилари қаторида Афшин, Ашнас, Баға ал-Кабир, Хоқон Уртуч каби турк асиллиларни ҳам ўрни йуқори бўлган.

Маъмуннинг сўнгги йилларида ўз қўшинини асосан турклардан ташкил этишга ҳаракат қилганини юқорида кўриб ўтдик. Халифалик қўшинига олинган турклар Муътасимнинг хизматига берилган эди. Афшин, Ашнас, Боға ал-Кабир ва Инак каби айрим турк лашкарбошлари ҳам эндиликда қўшин ичида сўз эгасига айланган эдилар. Бошқача айтганда, қўшиндаги кучлар мувозанати турклар фойдасига ўзгариб кетган эди. Маълум ворис (яъни Муътасим) нинг халифа этиб тайинланишида ҳам айнан шу турк бирликларининг таъсири муҳим роль ўйнади (Йилдиз, 2019:117).

[12] Бу исм манбаларда турли хил шаклларда учрайди. Балозурий 168, Ёқут Ҳамавий IV. 28.

[13] Муътасим Биллаҳ 833-842 йилларда аббосийлар сулоласининг халифаси.

[14] Нуҳ ибн Асад (820-841) – Сомонийлар сулоласи вакили, Самарқанд волийси.

[15] Аҳмад ибн Тулун (868-884) – Миср ва Сурия ҳудудини ўз ичига олган Тулунийлар сулоласи асосчиси.

Бу ҳолатда Муътасим билан қўшин таркибидаги турк бирликлари ўртасидаги муносабатларни аниқлаб олиш зарур бўлади. Турклар билан Муътасим ўртасидаги яқин алоқаларга келсак, бу масала манбаларда жуда аниқ кўрсатилган. Юқорида қайд этилганидек, турк ҳарбий бўлинмаларини ташкил этиш вазифаси Муътасимга топширилган эди. Турк бирликлари унинг хизматида ёки у ҳокимлик қилган ҳудудларда фаолият юритганлар, Афшин ва Ашнас каби қўмондонлар айнан унинг туфайли машҳур бўлиб чиққан эдилар.

Муътасим халифа бўлишидан аввал, Миср вилояти ҳокими бўлган даврида турклар билан алоқаларни мустаҳкамлаб, уларни тўплаб, ҳарбий бўлинмалар ташкил эта бошлаган эди. Халифалик тахтига чиққач эса, у бу борада тўлиқ ҳаракат эркинлигига эга бўлди ва туркларни турли йўллар билан ўз атрофида жамлашга киришди. Бу ҳақда тарихчи Масъудий қуйидаги маълумотни беради (Масъудий, 1965: 118)

«Муътасим туркларни тўплашни ёқтирар эди ва уларни ўз қўшинларига қабул қиларди. У бу тарзда тўрт минг нафар турк жангчисини тўплади. Уларга ипакдан тикилган, нақшинкор кийимлар кийдирилар, зарли (олтин суви юритилган) камарлар тақдирилар эди. У турклар учун белгиланган бу махсус кийимлар орқали уларни қўшинининг бошқа қисмларидан ажратиб турар эди. Муътасим айниқса Хуросон, хусусан Фарғона ва Усрушана аҳолиси орасидан одамларни ҳарбий жиҳоз билан таъминлаб, ўз қўшинига қабул қилган. Ана шу турклар қисқа муддат ичида катта ва қудратли бир армия шаклида қайта ташкил этилди».

Туркийлардан ташкил топган ушбу ҳарбий бўлинмаларга Муътасим томонидан турли йўллар билан саройга чақирилган турк зодагонлари қўмондонлик қилган. Уларга кенг ҳажмдаги иқтолар (яъни фойдаланиш учун берилган ер-мулклар) ажратилган бўлиб, улар махсус эътибор билан тақдирланган ва ўз ҳудудларидан келтирилган аскарлар устидан бошқарув ваколати билан тайинланган эдилар. Бу ерда алоҳида таъкидлаш лозим бўлган жиҳат шуки, турк ҳарбий бўлинмалари устидан бегона шахслар қўмондон этиб тайинланмаган. Яъни, турк бирликларига фақат ўз миллатига мансуб кишилар бош бўлган — бу эса ўз навбатида ушбу қўшинларнинг ички бирлиги ва садоқатини мустаҳкамловчи омил сифатида хизмат қилган (Йилдиз, 2019:117).

ХУЛОСА

Айтиб ўтишимиз керакки, араблар Хулафойи Рошидин ва умавийлар даврида олиб борган кенг кўламли юришлар натижасида ислом дини билан илк бор алоқага киришган турклар, дастлаб сиёсий сабабларга кўра бу янги дин вакиллари билан кескин тўқнашувларга дуч келган эдилар. Шу тарзда ҳар икки халқ бир-бирини яқиндан таниш имконига эга бўлди. Душманликка асосланган илк алоқа шакллари боис, турклар ислом динини қабул қилишда дастлаб катта қизиқиш намоён этмадилар.

Хусусан, Умавийлар томонидан олиб борилган кескин сиёсат, мусулмон бўлган, бироқ араб бўлмаган халқларга иккинчи даражали фуқаро сифатида муносабатда бўлиш, уларга сиёсий ва молиявий босим ўтказиш каби амалиётлар, бошқа хорижий унсурлар қатори турклар орасида ҳам бу янги жамиятга нисбатан ишончсизлик ва чекиниш ҳиссини кучайтирди. Бироқ Аббосийлар сулоласининг ҳукмронликка келиши билан ислом давлатчилиги сиёсатида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Бу ўзгаришлар, ҳатто, Аббосийлар ҳаракатининг дастлабки босқичлариданоқ яққол намоён бўлган: халифалик тахтини қўлга киритиш йўлида фаолият юрита бошлаган Аббосийлар оиласи араб бўлмаган унсурлар орасида ўзларига таянч излаш заруратини ҳис қилган эди. Бундан хулоса чиқарган аббосийлар туркий ва форсий халқлар билан яхши алоқалар ўрнатишга киришишади ва уларни давлат ишларига жалб эта бошлашади. Асосан халифалик қўшинида хизмат қилган туронликлар маълум даврга келиб халифаларнинг энг ишонган аскарлари даржасига қадар кўтарилашади. Халифалик улардан асосан чегара ҳудудлари, айниқса Византия билан чегараларда қўриқлов ва ҳарбий юришларни олиб боришда кенг кўламда фойдаланди. Бунга аввало, туркий қавмларнинг шижоати ва ислом динининг уларга бахш этган руҳияти сабаб эди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Abu Bakr Muhammad Narshaxiy. (2022). Buxoro tarixi. Tashkent : Anorbooks.
2. Akdes Nimet Kurat, ". b.-C. (1948). Kuteybe bin Müslim'in Hârizm ve Semerkand'ı Zaptı",. Dil ve Tarih-Coğrafya Fakültesi Dergisi, 388-402.
3. Al-Balazuri. (1987). Futukh al-buldan. Beirut : Institution al-maarif.
4. Al-Masudi. (2005). Muruj al-zahab. Beirut : Al-maktaba al-asriyya.
5. Aydınlı O (2011). Semerkant tarihi. – Истанбул : ISAM.
6. ал-Яъқубий, А. (2002). Ал-Булдон. Байрут : Дар ал-кутуб ал-илмия,
7. Bahaeddin Ögel. (1984). History of Turkish Culture before Islam. Ankara: Ankara yayinleri.
8. Chavannes. (2007). Western Turks according to Chinese sources. Istanbul: Kitap evi.

9. G. Boboyorov. (2021). G‘arbiy Turk xoqonligi tarixi va tanga-pul tizimi. Tashkent: Generation of Thought.
10. Guy Le Strange. (1905). The lands of eastern of Chalifate. London.
11. H. Gibb., (1923). The Arab Conquests in Central Asia. London: The Royal Asiatic Society.
12. History at-Tabari. (1987). Per. s Arabic. V.I. Belyaeva s dopol. O.G. Bolshakova, A.B. Khalidova. Tashkent: Science.
13. Ibn Asam al-Kufi. (1991). Futuh. Volume IV. Beirut: Dar al-Adwa.
14. Ibnul Asir. (1965). Al-Kamil fit-tarix. Bayrut. Dar as-sadr.
15. Ibnul Asir. (1990). Lubob. J. I. Bayrut : Doru sodir.
16. Istakhriy. (2019). Al-Masalik Wal-Mamalik. (Movarounnahr and Khorasan part). Tashkent: Science.
17. Jahiz. (1964). Manoqib at-turk. Qohira.
18. John Lawton. (1991). Samarkand and Bukhara.London.
19. Lynch, R. J. (2020). Arab Conquests and Early Islamic Historiography The Futuh al-Buldan of al-Baladhuri. London : Bloomsbury Publishing.
20. Muhammad ibn Jarir al-Tabari. (2005). Tarikh ar-rusul wal-muluk. Riyadh : Bayt al-afkar al-Dawliya.
21. Muqaddasiy. (1987). Ahsan al-taqasim fi ma’rifat al-aqalim. Beirut : Dar Beirut.
22. Osman Karatay. (2024) Turklerin Islamiyeti kabulu. Ankara.
23. Umnyakov. (1972). Samarkand. Moscow.
24. Yaqut Hamavi. (1987). Mujam al-udabo. Beirut : Dar al-Bayrut.
25. Yildiz, H. D. (2019). Islamiyet ve Turkler. Istanbul : İlgi Kültür Sanat Yayıncılık .
26. Zekeriya Kitapçı. (1995). Ilk müslüman Türk hükümdar ve hakanlar. Konya : Dizgi Kitabevi.
27. Zekeriya Kitapçı. (1995). Orta Asya Türklüğünün büyük Islam kültür ve medeniyetindeki yeri. Konya : Damla Ofset Matbaacılık ve Tic.
28. Бартольд В.В. (1963). Туркестан в эпоху монгольского нашествия // Бартольд В.В. Сочинения. Т. I. М. : Восточная литература.
29. Велльхаузен Юлиус. (2018). Арабский халифат. Золотой век ислама. / Пер. с англ. Т.М. Шуликовой. Москва : Центрполиграф.
30. Заҳабий. (2003). Тарих. Ж. VII. Байрут : Дорул ғарбил исламий.
31. О.Г. Большаков. (1988). История халифата. 1-4 т. Москва : Восточная литература РАН.
32. Раббиҳ, А. М. (1953). Икд ал-Фарид. Қоҳира.
33. Ҳамавий. (1990). Муъжамул булдон. Ж. I. Байрут : Дорул кутубил илмийя.

REFERENCES:

1. Abu Bakr Muhammad Narshakhi. (2022). Bukhara Tarixi. Tashkent : Anorbooks.
2. Akdes Nimet Kurat. (1948). “Kuteybe bin Muslim’in Harizm ve Samarkand’ı Zaptı”. Dil ve Tarih-Coğrafya Fakültesi Dergisi, pp. 388–402.
3. Al-Balazuri. (1987). Futuh al-Buldan. Beirut : Institution al-Maarif.
4. Al-Masudi. (2005). Muruj al-Zahab. Beirut : Al-Maktaba al-Asriyya.
5. Aydınlı O. (2011). Semerkand Tarihi. Istanbul : ISAM.
6. Al-Ya‘qubi, A. (2002). Al-Buldan. Beirut : Dar al-Kutub al-Ilmiyya.
7. Bahaeddin Ögel. (1984). History of Turkish Culture before Islam. Ankara : Ankara Yayinlari.
8. Chavannes. (2007). Western Turks According to Chinese Sources. Istanbul : Kitap Evi.
9. G. Boboyorov. (2021). G‘arbiy Turk Xoqonligi Tarixi va Tanga-Pul Tizimi. Tashkent : Generation of Thought.
10. Guy Le Strange. (1905). The Lands of the Eastern Caliphate. London.
11. H. Gibb. (1923). The Arab Conquests in Central Asia. London : The Royal Asiatic Society.
12. History at-Tabari. (1987). Trans. from Arabic by V. I. Belyaeva, with additions by O. G. Bolshakova and A. B. Khalidova. Tashkent : Science.
13. Ibn Asam al-Kufi. (1991). Futuh, Vol. IV. Beirut : Dar al-Adwa.
14. Ibn al-Athir. (1965). *Al-Kamil fi al-Tarikh*. Beirut : Dar al-Sadr.
15. Ibn al-Athir. (1990). Lubab, Vol. I. Beirut : Dar al-Sadir.
16. Istakhri. (2019). Al-Masalik wal-Mamalik (Movarounnahr and Khorasan part). Tashkent : Science.
17. John Lawton. (1991). Samarkand and Bukhara. London.
18. Jahiz. (1964). *Manaqib al-Turk*. Cairo.
19. Lynch, R. J. (2020). Arab Conquests and Early Islamic Historiography: The Futuh al-Buldan of al-Baladhuri. London : Bloomsbury Publishing.
20. Muhammad ibn Jarir al-Tabari. (2005). Tarikh al-Rusul wa al-Muluk. Riyadh : Bayt al-Afkar al-Dawliya.
21. Muqaddasi. (1987). Ahsan al-Taqasim fi Ma’rifat al-Aqalim. Beirut : Dar Beirut.
22. Osman Karatay. (2024). Türklerin İslamiyeti Kabulü. Ankara.
23. Umnyakov. (1972). Samarkand. Moscow.
24. Yaqut al-Hamawi. (1987). Mu’jam al-Udaba. Beirut : Dar al-Bayrut.
25. Yildiz, H. D. (2019). İslamiyet ve Türkler. Istanbul : İlgi Kültür Sanat Yayıncılık.
26. Zekeriya Kitapçı. (1995). İlk Müslüman Türk Hükümdar ve Hakanlar. Konya : Dizgi Kitabevi.
27. Zekeriya Kitapçı. (1995). Orta Asya Türklüğünün Büyük İslam Kültür ve Medeniyetindeki Yeri. Konya : Damla Ofset Matbaacılık ve Tic.
28. Barthold, V. V. (1963). Turkestan in the Age of the Mongol Invasion. In: V. V. Barthold, Works, Vol. I. Moscow : Eastern Literature.
29. Wellhausen, Julius. (2018). The Arab Caliphate: The Golden Age of Islam. Trans. from English by T. M. Shulikova. Moscow : Tsentrpoligraf.
30. Zahabi. (2003). Tarikh, Vol. VII. Beirut : Dar al-Gharb al-Islami.
31. O. G. Bolshakov. (1988). History of the Caliphate, Vols. 1–4. Moscow : Eastern Literature, RAS.
32. Rabbih, A. M. (1953). Iqd al-Farid. Cairo.
33. Hamawi. (1990). Mu‘jam al-Buldan, Vol. I. Beirut : Dar al-Kutub al-Ilmiyya.